«СУВЖИҲОЗГАЗ»

Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси

Ўзбекистон аҳолисини кириб келаётган

Янги — 2000 йил билан

муборакбод этиб,

ҳар бир хонадонга қут-барака, тинчлик ва осойишталик тилайди. «СУВЖИҲОЗГАЗ» қўшма корхонаси 2000 йилда ҳам сиз билан бирга бўлиш, турли русумдаги сувўлчагич ва газўлчагич асбобларини етказиб бериш орқали республика табиий бойликларини ҳамда хонадонингиз харажатларини тежашга ўзининг камтарона улушини қўшиш умидидадир.



Сиз билан янги йилда янги манзилда учрашамиз.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, «Чилонзор-20» мавзеи, уй-19/3.
Тел.: 117-15-42, 117-15-48.

2412



Акционерлик тижорат

«САНОАТҚУРИЛИШБАНК»и

бошқаруви

барча юртдошларни, ўз таъсисчилари, акциядорлари ҳамда мижозларини

Янги 2000 йил билан

самимий қутлайди.

Ишончимиз комилки, кириб келаётган 2000 йил халқимизнинг,
миллатимизнинг обрўсига обрў қўшади, шон-шуҳратини янада зиёда қилади.
Чунки халқимизнинг нияти холис, орзуси пок, мақсади ёруғ, меҳнати ҳалол.
Зотан, шу азиз Ватан барчамизники. Унинг буюк келажаги йўлида бор имкониятимизни,
кучимизни, шижоатимизни, керак бўлса жонимизни ҳам аямаймиз.
Илоё, элу юртимиз омон бўлсин.
Йил бошида қилаётган эзгу ва пок ниятларимизни амалга оширишда
Яратганнинг ўзи бизга мададкор бўлсин. Халқимизнинг насибасини зиёда этсин.
Тинчлик ва омонлик қадим тупроғимизни, юртимизни асло тарк этмасин.
Янги йил ҳар бир оила ва инсон учун ёруғлик, шодлик, муҳаббат ва файз-барака келтирсин.
Жаҳонга юз тутган Ватанимизнинг эрк ва озодлиги абадий бўлсин!

Янги йилингиз муборак бўлсин!



2416

ЯНГИ 2000 ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУҒ, БЎЛСИН АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

**Янгийўл «АПКО Лаззат» жамоаси**

**XXI аср сари дадил одимлаётган Ўзбекистоннинг барча фуқароларини янги — 2000 йил билан самимий табриклайди!**

*Шуни қувонч билан айта оламизки, асримизнинг сўнгги йилида бизнинг қандолат маҳсулотларимиз янада сероб бўлади. Эл дастурхонини ширин-шакар маҳсулотлар билан тўлдирамиз.*

*Халқимизни улуғ тантана билан қутлар эканмиз, аввало юртимиз тинч бўлсин, деймиз. Тинчлик, барқарорлик бор жойда ҳамиша барака, фаровонлик бўлади.*

*Ҳар бир оила, ҳар бир гўшадан бахт-саодат, тотувлик, осойишталик ва тўкин-сочинлик узилмасин.*



**«Лаззат»нинг лаззатли қандолатлари ҳамиша Сизнинг дастурхонингизга файз-барака киритсин!**

2425



UZHELLAS

"ЎЗЭЛЛАС"

қўшма корхонаси жамоаси

*Янги — 2000 йил билан*

*Ўзбекистон халқини чин кўнгилдан табриклайди.*

*Бу янги йил чиндан ҳам соғлом авлод йили бўлсин, ҳар бир оилага бахт-саодат олиб келсин, мамлакатимиз гуллаб-яшнасин!*

Дунёга янгича нигоҳ билан боқинг!

«Ўзэллас» қўшма корхонаси

**ГУГУРТ, ҚОҒОЗ, САЛФЕТКАЛАР,** шунингдек Бирлашган Араб Амирликларида ишлаб чиқарилган алюминий шакллардан тайёрланган **ОЙНА РОМЛАРИ, ЭШИК, ВИТРАЖЛАРНИ** ТАВСИЯ ҚИЛАДИ.

180 турдаги кўчма, йиғма герметик тизимлар, чанг, овоз ўтказмайдиган, ёнмайдиган фойдаланиш учун қулай **ПАРДА ВА ДАРПАРДАЛАР**

Сизнинг эътиборингизга таклиф этилади.

**ДЕРАЗА ОЙНАЛАРИ**

ҚОРАЙТИРИЛГАН, НУРҚАЙТАРГИЧ, Канада, Белгия, Францияда тайёрланган «Ford» маҳсулоти.

Буюртма истаган ўлчамлар бўйича тайёрланади.
Маъқул баҳолар.
Қурувчилар учун чегирма.

Шунингдек:
АЛЮМИНИЙДАН ТАЙЁРЛАНГАН НАРВОН, ТЎСИҚ, ДАРВОЗА
АҚШ технологияси бўйича махсус рангда.

Энг маъқул баҳо.

Якка тартибда буюртмалар.

**ТЕЛ.: (371) 180-14-66, 72-02-74.**



2423

**ABN·AMRO**

Мустақил Ўзбекистонда рақобатбардош банк тизимининг ривожланиши йўлида амалий қадамлар қўйилмоқда. Ҳукумат қарори билан банклар тизимидаги бир неча банкда ҳисоб рақами очиш ҳуқуқи каби муҳим тадбир қўллаб-қувватланди. 1999 йилнинг 1 декабридан бошлаб камида 200 нафар ходими бўлган корхоналар бу имкониятдан фойдаланишлари ва ўзлари учун иккинчи ҳисоб рақами очишга қайси банк қулай эканлигини аниқлаб олишлари мумкин.

Аминмизки, АБН АМРО Банк МБ Ўзбекистон АЖ худди шундай қулай банкдир. Энг ообрў «Euromoney» молия журнали томонидан АБН АМРО Банк МБ Ўзбекистон АЖ 1999 йилда Ўзбекистондаги энг яхши банк сифатида тан олинган.

**АБН АМРО Банк МБ ЎЗБЕКИСТОН А.Ж. —**

*жамғармалар ҳақидаги ахборот сир тутилиши, сифатли, ишончли хизмат кўрсатиш кафолатини беради.*

*МИЖОЗЛАРИМИЗ САФИДА СИЗНИ ҲАМ КЎРИШДАН МАМНУНМИЗ ВА САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ УМИДИДАМИЗ!*

*Бизнинг манзил: Тошкент ш., Ҳ.Олимжон майдони,*
*Ғарбий томон, Бизнес-комплекс, 4-подъезд.*
*Телефон: 120-61-41.*

2294

**UzDAEWOO BANK**




**ЎЗДЭУ БАНК**

*Ўзбекистон халқини кириб келаётган* **Янги — 2000 йил билан** *муборакбод этиш шарафидан мамнун эканлигини изҳор этади.*

*Янги йил бу жаннатмакон ўлка аҳолиси учун барча соҳаларда улкан зафарлар йили бўлиб, ҳар бир оилага тотувлик, меҳр-оқибат, бахт келтиришини тилаймиз.*



2424



**ERICSSON**

**LM Ericsson International AB ваколатхонаси Ўзбекистон халқини кириб келаётган янги — 2000 йил билан табриклаб, шу қутлуғ заминда яшаётган барча фуқароларга самимий тилакларини изҳор этади.**

Тошкент ш., 700150, Банакат кўчаси, 165; Тел.: 191-94-96, 191-94-80; Факс: 191-94-77.

2364

# 2000 ЙИЛ — Соғлом авлод йили

## «ЁҒМОЙТАМАКИСАНОАТ»

**ассоциацияси жамоаси**

*Ватанимиз аҳлини чуқур мамнуният билан*

## Янги-2000 йил билан муборакбод этади.

*Ишончимиз комилки, Янги йил ўтган йиллар каби саодатли ва ёруғ йил бўлади, иншоолло. Янги уч мингинчи йилда бағри кенг халқимизнинг шон-шуҳрати янада зиёда, эртамиз эса бугунимиздан-да порлоқ бўлажак. Зеро, бугун амалга ошираётган эзгу ишларимиз мана шундай ойдин кунлар ҳаётимизга тезроқ келишига асос солади.*

*Азиз ватандошлар!*

*Барчангизни Янги йил билан қутлар эканмиз, оилавий бахт, мустаҳкам соғлик, юртимизга тинч-тотувлик, XXI аср сари дадил одимлаётган мамлакатимизнинг янада гуллаб яшнаши йўлидаги касби-корингизга зафарлар тилаймиз.*

*Янги йил барча оилалар ва инсонлар учун туганмас севинч, шодлик ва файзу барака келтирсин!*

*Илоё гўзал Ватанимизни, қаҳрамон халқимизни ёмон кўзлардан Яратганнинг ўзи асрасин!*

*Бошланаётган Соғлом авлод йили барчамизга муборак бўлсин, азиз ватандошлар!*



2368

# MOTOROLA

*Алоқа соҳасида жаҳон миқёсида 70 йил мобайнида етакчилик қилиб келаётган MOTOROLA компанияси эндиликда Ўзбекистонда ҳам фаолият кўрсатмоқда. MOTOROLA компанияси Ўзбек диёрининг қадимий тарихи, бой маданий мероси ва ҳозирги иқтисодий ютуқларини юқори баҳолайди ва яқин келажакда Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига ишонади.*

**Биз Ўзбекистон халқини кириб келаётган**

## Янги 2000 йил билан

**муборакбод этамиз ва барчангизга мустаҳкам соғлик, бахт-саодат, юртингизга тинчлик ва барқарорлик тилаймиз!**

2425

Телефильм

***Энг яхши, унумдор дала — болаларнинг беғубор, мурғак қалбларидир. Бу далани ҳали алдов, бағритошлик, бировларнинг дардига бепарволик, лоқайдлик, маккорлик каби иллатларнинг «бегона ўтлари» босиб кетмаган. Бу далага — яхшилик, эзгулик уруғлари вақтида сепилса — тез униб чиқади. Адолат, бағрикенглик, вафо, гўзалликка шайдолик, виждон софлиги, самимият, саховат, ростгўйлик каби маънавият уруғлари болаларнинг мусаффо қалбига ота, она тарбияси ва эртаклар воситаси ила сепилади.***



Раъно Солиҳова халқ ижоди намуналаридан илҳомланиб, «Бахт гуллари» эртак фильми сценарийсини ёзди. Бу эртакда Ватанимизнинг хушманзара тоғли қишлоқларидан бирида яшаётган одамларнинг ҳаёти, орзу-истаклари икки қизалоқ тимсолида ҳикоя қилинади. Бир сўлқиллаган иссиқ нон ва қаймоқ тайёрлаб қўяди. Уй бекаси Салтанат эса ўгай қизи Гулнорга келган совчиларга ўзининг арзанда қизини кўпиртириб мақтайди. Совчилар эса ҳеч қачон бу гапларга ишонмайдилар...

Асар сценарийсида самимий ва ҳаққоний тасвирланган ҳовли ва унинг одамлари тақдири бизни бефарқ қолдирмайди. У бизга болалигимиз, ёшлигимиз ўтган ўз ҳовлимизни эслатади, кўзга, кўнгилга яқин бўлиб қолади.

Асар воқеаларининг эртакка хос қисми ҳам бор. Телефильмда гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай, оғзидан олов сочиб, Гулнорни севиб қолган Қора Дев билан унинг ёрдамчиси Алвасти асар воқеаларига аралашиб, севишганларни бир-биридан ажратишга уринадилар.

# «БАХТ ГУЛЛАРИ»



Эртакларнинг таъсири кўп ҳолларда ота, она тарбиясидан ҳам кучлироқдир. Негаки, эртаклар мағзида халқ донишмандлиги, даҳоси ва заковати, орзу, идеаллари яширинган. Буни яхши билган машҳур эртакнавислар — Андерсен, Диккенс, Жорж Санд, ака-ука Гриммлар, Шарл Перро, Топенус, Оскар Уайльд ва бошқалар болаларни нур ва зулмат олами билан таништириб, уларни эзгулик, яхшилик осмони сари парвозга ўргатадилар.

Ғоят бой халқ поэтик ижодини яратган ўзбек халқининг адиблари Зафар Диёр, Толиб Йўлдош, Турғунбой Ғойибов, Қудрат Ҳикмат, Пўлат Мўмин, Хайриддин Салоҳ, Анвар Обиджон, Абусаид Кўчимов каби ажойиб эртакнависларимиз ёш авлоднинг маънавий оламини бойитиш учун озмунча хизмат қилдиларми? Бу каби адиб ва шоирларимизнинг эртакларини ўқиган одамлар ўсиб, улғайиб, бири боғбон, бири уста, бири вазир, бири мураббий... жамиятимизга кўрк бўлиб турибдилар. Яқинда ўзбек эртакнавислари сафига яна бир муаллиф — Раъно Солиҳова қўшилди.

«Ўзбектелефильм» ижодий жамоасида узоқ йиллар ишлаб, «Усто», «Ҳар доим бўлсин қуёш!», «Алишер Навоий», «Паҳлавон Маҳмуд», «Мирзо Улуғбек» телефильмларини ёзган, «Занги ота», «Абдулхолиқ Ғиждувоний», «Ҳожа Аҳрор Шайхонтоҳур», «Хўжанди латиф» телефильмларига муҳаррирлик қилган қарашда, фильм сюжети машҳур «Зумрад ва Қиммат» эртагини ёдга туширади. Чунки фильмда ҳам бир хонадон бекасининг икки қизи бор. Бирини ўзи туққан, иккинчиси эса ўгай.

Шаҳарда мардикорликда ишлаб қайтган софдил йигит Мурод, унинг укаси Шертой, камбағал чўпон Обиджон ака, унинг бахил ва маккора хотини Санталатхон худди ҳаётнинг ўзидагидай, ҳаққоний бадиий бўёқларда тасвирланган. Ўгай она қўлида хор-зорликда яшаса ҳам ҳеч кимдан нолимай, камтарлигини, назокатини, софдиллигини йўқотмаган Гулнор. Мана, у тонг саҳарда туриб, тоғ этагидаги булоқдан сув келтиради, ҳовли супуради, тандирга ўт ёқади, нон ёпади, сигир соғади, сутни пишириб, қаймоқ олади. Арзанда синглиси, уйқучи Назокатнинг уйғонишига

Асардаги ижобий қаҳрамонларга меҳр қўйиб қоласиз. Чунки, улар софдил, камтар, содда. Ҳатто салбий қаҳрамон, энг ёмон одам — Салтанатхон, ўгай қизини ёқтирмайдиган, арзандаси учун жонини фидо қилишга тайёр аёл ҳам томошабинда нафрат уйғотмайди. Негаки у ҳам ўта ёвуз эмас, ўзини ҳеч ким ҳурмат қилмаётганига ўксиниб йиғлайди. Унга ачинасиз ҳам.

«Бахт гуллари» телефильмида табиий бўёқлар кучли. Бунда режиссёр Мунид Зокиров, бастакор Улуғбек Солиҳов ва оператор Тальат Мансуров ҳамда актёрларнинг хизмати катта.

**Маҳкам АНДИЖОНИЙ.**

**СУРАТЛАРДА: Гулнор — актриса Нилуфар Ҳамидова; режиссёр Мунид Зокиров.**

Москвадаги "Иллюзион" кинотеатрида ўзбек фильмлари хафталиги бошланди. Тадбирни Россия Федерацияси "Госфильмофонд"и Ўзбекистоннинг Москвадаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этди. Ҳафталик режиссёр Зулфиқор Мусоқовнинг "Бомба" кинокомедияси билан очилди.

## МОСКВАДА ЎЗБЕК ФИЛЬМЛАРИ ҲАФТАЛИГИ

Киноҳафталик дастуридан ўзбекистонлик киночиларнинг турли йилларда яратилган ҳамда танқидчилар ва кенг омма эътирофига сазовор бўлган фильмлари ўрин олган. Жумладан, Элёр Эшмуҳамедовнинг ёшлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи "Севишганлар", "Алвидо, ғўр ёшлигим" фильмлари, Ҳожи Аҳмарнинг иккинчи жаҳон уруши йилларининг суронли воқеалари ўз аксини топган "Москвалик қадрдонларим" фильми, Равил Ботировнинг ижтимоий-маънавий муаммоларга бағишланган "Сени кутамиз, йигит" киноқиссаси бор.

**(ЎзА)**

## ЁҒОЧЛАРГА СИНГГАН НАФОСАТ

*Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими пойтахтнинг қоқ марказидаги Абулқосим мадрасасида жойлашган бўлиб, бўлимнинг асосий мақсади ҳунармандчиликни тиклаш, унга жило бериш, қолаверса, ҳунармандчиликка лаёқати бор ёшларга ҳунар ўргатишдир.*

*Айни пайтда мадраса ҳужраларида 50 нафардан ортиқ уста ижод билан машғул. Улар ёғоч-ўймакорлар, наққошлар, заргарлар, миниатюрачи-рассомлар ва сандиқчилардир.*



**СУРАТЛАРДА: ёғоч-ўймакор уста Исматулла Жўрабоев мустақил иш устида.**

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.**

# "ЖАҲОН АДАБИЁТИ" СИЗГА МУШТОҚ

**"Жаҳон адабиёти" журналини сизга таништиришга эҳтиёж бўлмаса керак. Президент ташаббуси ва Вазирлар Маҳкамаси қарори билан 1997 йилда ташкил қилинган бу журналнинг ҳозирга қадар 25 сони чиқди. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, бу журнал ўзининг биринчи қадамлариданоқ журналхоннинг ҳурмат-эътиборини қозонди. Биз редакцияга келаётган мактубларда, телефон қўнғироқларида, ўзаро суҳбатларда, оммавий ахборат воситаларида чоп этилаётган мақолаларда шу пайтга қадар журнал тўғрисида фақат илиқ гаплар эшитмоқдамиз. Албатта, шунга қараб, журнал таҳририяти ишида ҳеч қандай камчилик йўқ" деган хулоса чиқариш нотўғри бўларди. Биз бу камчиликларни биламиз ва уларни тузатиш устида муттасил иш олиб бораяпмиз.**

Журналнинг кўпчиликка манзур бўлганининг асосий сабаби шундаки, унда турли ижтимоий табақаларнинг вакиллари ўзлари учун қизиқарли ва фойдали материалларни топа оладилар. Шу пайтга қадар журналда антик дунё адабиётидан, Ғарбий Оврупа ва Америка адабиётидан, Шарқ адабиётидан материаллар эълон қилинди. Шунингдек, рус ва бошқа қўшни халқлар адабиётлари намуналари ҳам журнал саҳифаларидан ўрин олган. Таҳририят жаҳон адабиётининг классик асарлари билан бир қаторда янги асарларини ҳам чоп этиб, бугунги ранг-баранг адабий жараён ҳақида, турли ҳил ижодий мактаблар ва оқимлар тўғрисида ҳам тасаввур беришга интилмоқда. Журналнинг публицистика ва адабий танқид бўлими ҳам диққатга сазовор — уларда босилаётган материаллар ўзбек китобхонининг тасаввурларини бойитишга қаратилган, уни бугунги жаҳон тафаккурининг юксак савияси билан бақадри имкон таништиришга йўналтирилган. Кўринадики, журнал ҳар жиҳатдан бугунги китобхоннинг маънавий савиясини юксалтиришга, тасаввурларини кенгайтиришга, айни чоқда унга эстетик завқ ва эмоционал қувонч бахш этишга хизмат қилади.

Журнал 2000 йилда ҳам шу йўналишда фаолиятини давом эттириш ниятида.Жумладан, ҳозир таҳририят

*Обуна—2000*

инглиз ёзувчиси Оскар Уайльднинг "Дориан Грейнинг портрети", рус ёзувчиси Приставкиннинг "Ўлим соя ташлаган водийда", Н.Эрдманнинг "Ўзимни ўлдираман", Журжи Зайдоннинг халифа Маъмун даврига бағишланган тарихий романи, Чейзнинг "Казино" деган детектив ва яна бошқа кўплаб асарлар шулар жумласидандир. Шеърият, адабий танқид ва публицистика бўлимларида ҳам кўпгина янгиликлар бор.

Шу кунларда республикамизда газета ва журналларга обуна кетаётган кунларда "Жаҳон адабиёти"нинг дўстлари ва мухлислари ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар. Мен бу ўринда Тошкент шаҳрида, Сурхондарё, Жиззах, Қашқадарё, Фарғона вилоятларида обуна нисбатан дуруст бораётганини таъкидлашни истардим. Термиз университетининг кутубхона мудираси Санобархон Хўжақулова атайин Термиздан Тошкентга келиб журналнинг эски сонларидан анча-мунчасини харид қилиш учун шартнома тузиб кетди. Шунингдек, 2000 йил учун ҳам журналга катта миқдорда обуна бўлди. Худди шунга ўхшаш Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ҳам студентлар учун 2000 йилга 14 нусха журналга обуна бўлган. Жиззахлик Ҳусан Холбоев муҳаррирлик қилаётган "Камолат кўзгуси" ҳамда "Ҳуқуқ ва бурч" газеталарининг ҳамма ходимлари йил давомида журналнинг янги сонларини бемалол ўқийдиган бўлдилар. Табиийки, журнал таҳририяти бундай ўртоқларнинг саъй-ҳаракатларини юксак баҳолайди ва уларга миннатдорлик билдиради.

Лекин шу билан баровар 2000 йил учун журналга обуна, умуман, яхши кетяпти деб айтиб бўлмайди. Яқин-яқингинада олинган маълумотларга қараганда, Навоий вилоятида 9 киши, Сирдарё вилоятида 10 киши. Тошкент вилоятида 13 киши, Самарқанд вилоятида 17 кишигина журналга ёзилипти, холос.

Бу рақамларга қараб мазкур вилоятларда фақир одамлар яшаяпти, деган хулоса чиқариш ярамайди. Чунки гап фақат иқтисодий омилларда эмас. Менимча, асосий сабаб — обуна ишларининг қаровсиз қолганида. Ҳолбуки, маънавият масаласи ҳам худди ғалла, пахта, қурилиш, саноат каби тинимсиз эътиборни талиб қилади.

Азиз ўқувчилар, муҳтарам дўстлар! "Жаҳон адабиёти" журнали сизнинг мададингиз билан тирик — журнал сизларга муштоқ!

**Озод ШАРАФИДДИНОВ.**

Луқма

**Шўрчи машина-транспорт парки ҳиссадорлик жамияти раҳбарининг шу идорага тегишли ҳужжатлардаги исми, шарифи «Сапаров» деб юритилади.**

## ИСМИ ШАРИФИНГИЗГА БЕФАРҚМИСИЗ?...

— «Сапар» — «Сафар» дегани-да, — дейди Мусурмон (идора раҳбари) менинг саволимга жавобан кулиб, — туғилганим тўғрисидаги гувоҳномани тўлдираётиб, сельсовет котиби «Ф» ўрнига «п» ёзиб юборган, тамом. «Сапар» сўзи энди неча авлодларимга қадар кетаверади сафар айлаб.

Яна бирлашмалардан бири раҳбарининг асли исми (паспортда ёзилгани) Шатман экан. У туғилган қишлоқ Кенгашининг ўша, эллигинчи йиллардаги гувоҳнома ёзадиган котиби саводи ғовлаганроқ кўринади. Эҳтимолки, ўзбекчани яхши билмайдиган бошқа миллатга мансуб киши бўлгандир.

Лекин ўшандан буён неча карра паспорт алмашаяпти. Ҳатто, алифбо алмашаяпти. Лекин имломиздаги бунга ўхшаш хатолар Сапаровнинг айтганидек, ёзувларимизда ҳамон сафар қилиб юрибди.

Бунга ўхшаш хатоликлар ҳатто, ташвиқот қоғозлари, плакатларга йирик-йирик ҳарфлар билан чиқиб кетаётгани кишини ажаблантиради. Мисол учун, мамлакатимизда яқинда бўлиб ўтган сайлов жараёни муносабати билан чоп қилинган қоғозлардан бирида Джума Джалилович Джураев деган ёзувни ўқиб одамлар ҳам кулдилар, ҳам...

Сайлов участкаларининг рўйхати ва участка манзилларини ўқиб эса муштарийлар Термиз шаҳрининг айрим кўчалари ҳамон «Крупская», «Октябр» деб аталаётганидан ҳайратга тушганларига нима дейсиз.

Ахир мустақилликка чиқиб олганимизга 8 йилдан ошаяпти-я...

**О.УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**


# ГЕРМАНИЯНИНГ «БАЙЕР АГ» КОНЦЕРНИ

*Мустақил Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган*

## ЯНГИ — 2000 ЙИЛ БИЛАН

*самимий муборакбод этади!*

**Истиқлол ютуқларини мустаҳкамлаш йўлида барчангизга катта муваффақият, сиҳат-саломатлик, тинчлик ва бахт-саодат тилаймиз!**

*Асос солинганига 130 йилдан ошган, жаҳоннинг 150 дан зиёд давлатида фаолият кўрсатаётган "Байер АГ" концерни Ўзбекистон Агросаноат мажмуи тармоқлари билан ўзаро ҳамкорликни йилдан-йилга кенгайтираверади.*




Bayer

«БАЙЕР АГ» билан ҳамкорлик — юқори ҳосилдорлик гарови!

2419

